

**К.Й. Жаббаров,
лойиха илмий ходими, ЎЗМУ**

ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШНИНГ МЕЗОНЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

В республике для обеспечения устойчивой макроэкономики и роста экономики высокими темпами особое внимание уделяется внедрению информационно-коммуникационных технологий в экономике. В предлагаемой статье исследованы вопросы по этому направлению на основе сравнительного анализе работ, осуществленных в последние годы в республике. Также анализируются показатели развития сферы информационно-коммуникационных технологий в развитых странах и странах с экономикой переходного периода.

A great attention is given to the implementing information-communication technology in economics for providing with macroeconomic stability and development of economy with high rate in our republic. The latest achievements in this sphere are comparatively analyzed in this article. It is also analyzed information-communication technology in developed and transition period economic countries as development indicators of this sphere.

Калитли сўзлар: ахборот-коммуникация технологиялари, интернет, банк тизими, электрон пул, мобил-банкинг, sms-банкинг, интернет-банкинг, электрон тижорат, он-лайн тўловлар, виртуал бозор, электрон рақамли имзо.

Биз шундай бир даврда ва жамиятда яшамокдамизки, деярли ҳеч бир соҳа ва ишимизни ахборот-коммуникация технологиялари ва унинг амалдаги имкониятларисиз тасаввур эта олмаймиз. Бугун бу ҳақиқатни чуқур ҳис қилган ҳолда мамлакатимизда мазкур соҳага жуда катта эътибор берилмоқда ва давлат миқёсидаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг ҳуқуқий-норматив асослари такомиллаштирилмоқда, соҳага оид Давлат дастурларининг ижроси таъминланмоқда. Хусусан, “Замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, Интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига, балки ҳар бир оилага жорий этиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда. Айнан замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизимини кенг кўламда ривожлантириш мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тараққиёт даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади” деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов[1].

Халқаро электралоқа иттифоқининг ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши борасидаги ўтказган тадқиқотлари мамлакат тараққиёти ва ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши

ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасидаги кучли ўнналикдан Жанубий Корея, Швеция, Дания, Исландия, Финландия, Норвегия, Нидерландия, Буюк Британия, Люксембург ва Хитой ўрин олган[2].

Сўнги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг илдам одимлар билан ривожланиб боришида иқтисодиётга ахборот-коммуникация технологияларининг кенгроқ жорий этилиши ўз самарасини бермоқда. Айниқса, банк тизимига ахборот технологияларининг кириб келиши бу йўналишдаги серхаражат ишларни янгича ташкил этиш ва такомиллаштиришга шароит яратди. Миллий иқтисодиётга электрон пулларнинг жорий этилиши ва ундан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги асосий дастаклардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг иқтисодиёти юқори суръатлар билан ривожлангани сари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида эришилаётган ютуқлар сони ҳам ортиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг таянч соҳаларидан бири ҳисобланган банк-молия соҳасида ҳам ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, Интернет тармоғидан фойдаланиб пул муомаласида нақдсиз тўловлар улушининг ортиб бориши иқтисодиёт учун катта аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик йилларида масофавий банк хизматлари орасида энг кенг оммалашаётган турлардан бири бу “интернет-банкинг”дир. Интернет-банкинг бу банк мижозларига ўз ҳисоб рақамларини Интернет орқали бошқариш имконини берувчи хизмат туридир. Бошқача айтганда, бу термин замирида банкларнинг одатий веб-сайтларидан тортиб то мураккаб виртуал тўлов ва ҳисоб-китоб тизимларигача бўлган жараён ётади. Яъни бу “банк-мижоз” тизимининг Интернет тармоғида ишлайдиган аналогидир[3].

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, Республикамиз тижорат банкларининг мижозлари мобил-банкинг ва SMS-банкинг каби масофадан бошқариладиган хизмат турларидан фойдаланиш кўрсаткичларини кун сайин оширмоқдалар. 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра мазкур хизматлардан фойдаланувчилар сони 10 304 нафар бўлган, жорий йил бошида бу кўрсаткич 472 573 нафарга етган. Ўтган 4 йил мобайнида 45 баробар ўсишга эришилган. Шунингдек, юқоридаги ўсиш суръатларига мос равишда интернет-банкинг ва “Банк-Мижоз” хизматидан фойдаланувчилар сони ҳам шу даврда 14 241 нафардан 62 227 нафарга етган. Юқоридаги рақамларнинг ўзиёқ ўсиш суръатининг кўламини кўрсатиб бермоқда[4].

Глобал иқтисодиёт асрида АҚШ, Европа ва Япония каби ривожланган мамлакатларда барқарор иқтисодиётни таъминлаш мақсадида Марказий банклар томонидан ноль фоизгача бўлган монетар сиёсат амалда қўлланилмоқда. Масалан, Европанинг айрим мамлакатларида салбий фоиз ставкалари амалда. Банкка пул маблағларини қўювчи – омонот эгаси банкка ўз шахсий маблағларини сақлаб берганлиги учун пул тўлайди, банк бу пул маблағларидан фойдаланганлиги учун пул тўламайди. Американинг айрим банклари элса ўз мижозларига кредит карталар бўйича қарзлар ва баъзи кредит турлари бўйича тўловларни нақд кўринишда тўлашни чеклаб қўйган [5]. Бу сай-

ҳаракатлар нақд пул айланишини камайтириш мақсадида амалга оширилган. Бунини амалга ошириш пировардида электрон пуллардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ётади.

Жаҳоннинг йирик савдо компаниялари анъанавий савдо усулларида фойдаланиш билан бир қаторда электрон тижоратдан ҳам самарали фойдаланмоқда. Таҳлилларга кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг харидларида электрон тижорат 10 фоизлик улушга эга бўлмоқда. Бундан ташқари электрон тижорат ўзининг бир қанча афзалликлари билан одатий тижорат турларидан фарқ қилади. Хусусан:

- халқаро операциялар амалга оширилганда ахборот олиш тезлиги ошади;
- маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишга кетадиган вақтнинг қисқариши ҳисобига айланма тезлашади;
- ахборот алмашиш ҳаражатлари камаёди;
- сотувнинг алтернатив турларини йўлга қўйиш имконияти.

Республикаимиз аҳолисининг деярли учдан бир қисми бугун Интернет имкониятларидан баҳраманд бўлмоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони 10 млн.кишидан ошган. 2008 йил 1 январь ҳолатидаги 2 015 000 нафарлик кўрсаткични бугунги кун билан таққосласак, 5 баробарга ўсганлигини кўришимиз мумкин[6]. Интернетнинг ҳар бир туман, қишлоқ ва оилаларга жадал суръатлар билан кириб бориши унинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга замин ҳозирлайди. Зеро, дунё ҳамжамияти билан савдо-иқтисодий интеграциялашувда Интернетнинг ўрни беқиёсдир. Бугун халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланишнинг умумий тезлиги (ўтказувчанлик лаёқати) 21,25 “Гбит/с”га етди. Бу рақам 2010 йил 1 январда атига 1,27 “Гбит/с”ни ташкил этгани ҳолда ўтган даврда 16 баробардан зиёдроқ ўсишга эришилган[7].

Бундан ташқари, таъкидлаш лозимки, бугунги кунда республикаимизда банк пластик карточкаларидан фойдаланиш кўлами кенгайиб бормоқда. Жорий йил бошида ўтган йилдагига нисбатан 20 % лик ўсиш билан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 13,5 миллионга етган. Бу пластик карточкаларнинг аксарият қисми он-лайн режимида ишлашчи карталар бўлиб, улар орқали биргина ўтган 2014 йилда 22,8 триллион сўмлик нақд пулсиз тўловлар амалга оширилган. Ушбу кўрсаткични 2012 йил билан таққосласак, 260 %ли ўсишга эришилганлигига гувоҳ бўламиз. 2012 йил мобайнида 8,7 триллион сум миқдорида нақд пулсиз тўловлар амалга оширилган[8].

Жисмоний шахслар учун on-line banking хизмат турларини янада такомиллаштириш мақсадида ҳозирда республикаимизнинг барча тижорат банклари “VISA International” ва “Master Card” каби халқаро тўлов тизимларининг тўлақонли аъзоси ҳисобланади ҳамда “SVIFT” халқаро тизимига уланган[9]. Пластик карточкалар орқали тўловларнинг амалга оширилиши ўз-ўзидан нақд пул муомаласини камайтиришга асос бўлади.

Бутун дунё бўйлаб тўлов тизимлари орасида “VISA” бир неча йиллардан бери етакчиликни сақлаб келмоқда. Бу тизимнинг тўлов карталари билан бутун

дунёдаги тўловларнинг 57 фоизи амалга оширилади, яъни йиллик савдо айланмаси 4.8 триллион АҚШ долларига тенг. Бу тизим дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларида амал қилади[10].

Deutsche Bank компаниясининг прогнозига кўра, 2020 йилга бориб Европа қитъасининг ярим аҳолиси он-лайн тўловларни амалга ошириши кутилмоқда[11]. Мазкур тўловларни амалга ошириш учун электрон савдолар ва тижоратлар интернет дўконларида амалга оширилади. Интернет дўкон – Интернетда жойлашган дўкон пештахтасидир. Бундай дўконда Интернет орқали уйда туриб ҳам бемалол маҳсулот сотиб олиш мумкин. Харид почта ёки курьерлар воситасида амалга оширилади. Тўлов ҳам тармоқ орқали бўлиши мумкин[12].

АҚШда биргина 2010 йилда 329 миллиард долларга тенг электрон чакана савдоларнинг амалга оширилганлиги бу хизмат турининг қанчалик оммалашганлигидан далолат беради. Таққослаш учун 2005 йилда бу кўрсаткич 172 миллиард долларга тенг бўлганлигини келтиришнинг ўзи кифоя. Ўсиш суръатлари жуда юқоридир. Бу кўрсаткични дунё бўйлаб қарайдиган бўлсак, Invesp.com тадқиқот агентлигининг маълумотларига кўра, 2011 йил жаҳонда 680.6 миллиард АҚШ долларига тенг чакана электрон савдолар амалга оширилган. Бу кўрсаткич 2015 йил якунига бориб 1,5 триллион АҚШ долларида ошиши прогноз қилинмоқда.

Ҳозирда Интернет ва замонавий-ахборот коммуникация технологияларининг тармоқ ва соҳаларга татбиқ этилиши натижаси ўлароқ электрон тижорат иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Жаҳон мамлакатларининг иқтисодиётига назар солсак, фикримизнинг нечоғлик тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Аҳоли сонидан келиб чиқадиган бўлсак, дунёдаги энг йирик электрон тижорат бозори Буюк Британия ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатнинг Интернет-иқтисодиёти 2009 йил якунларига кўра 100 миллиард фунт стерлингни ташкил қилган. Бу Буюк Британияг ялпи ички маҳсулотининг 9 фоизига тенг демакдир. 2014 йилнинг 1 чорак якунлари бўйича 28 миллиард евро миқдорида интернет орқали харидлар амалга оширилган. Бу каби ўсиш суръатларига интернетдаги ўртача харид чеки суммасининг оширилиши ва мобиль гаджетлар орқали амалга ошириладиган электрон тижорат ҳажмининг ортиши сабаб бўлган[13].

Сайёрамиздаги аҳолининг олтидан бир қисми истиқомат қиладиган Хитой давлатининг иқтисодиётида ҳам электрон тижорат ўз ўрнига эга. Хусусан, мамлакатда 2009 йилда 36,6 миллиард АҚШ долларига тенг электрон савдолар рўйхатга олинган[14]. 2012 йилда 190 миллиард АҚШ доллари миқдорида виртуал савдолар амалга оширилган. 2016 йилда Хитой электрон тижорат бозорининг ҳажми 356 миллиард АҚШ долларига атрофида бўлиши ҳисоб-китоб қилинмоқда[15].

Россия Федерациясида ҳам электрон тижорат бозорининг ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2012 йилда 1 884 млрд. рубль ҳажмида электрон савдолар амалга оширилган. Таҳлилчиларнинг фикрича 2017 йилда Россия электрон тижорат бозорининг йиллик ҳажми 3 686 млрд.рублга етиши прогноз қилинган[16].

Мамлакатимиз электрон тижорат бозорининг ривожланиш суръатларини кўриш учун қуйидаги рақамларга мурожаат этайлик. E-shop ва интернет-банкнинг хизмати орқали амалга оширилаётган транзакциялар сони кун сайин кўпаймоқда. 2013 йил декабрь ойида 567 200 та транзакциялар амалга оширилган бўлса, 2014 йил сентябрда рўйхатга ўтган транзакциялар сони 3 394 353 га етган[17]. Бу рақамлар виртуал бозорлардан кундалик турмушимизга янада кенгроқ фойдаланаётганимизни билдиради.

Фикримизча, мамлакатимиз иқтисодиётида ахборот-коммуникация технологияларидан янада самаралироқ фойдаланиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

– виртуал бозорларда харидорлар учун ўртача харид чеки суммасини харидорлар сегментидан келиб чиқиб оптималлаштириш;

– электрон савдолар амалга оширилаётганда харидорлар учун сотувчилар томонидан ноодатий афзаллик ва қулайликларни кўроқ таклиф қилишларини таъминлаш;

– ҳозирда амалиётда кенг қўлланилаётган инновацион банк хизматларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

– электрон рақамли имзолардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширишда хавфсизликни таъминлашнинг бугунги кун талабларига мос келадиган дастурларини ишлаб чиқиш;

– масофадан банк хизматлари кўрсатишда нафақат одатий ва оддий, балки кредит бериш каби мураккаброқ хизмат турларини ҳам хавфсизлик масаларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш;

– электрон тижорат соҳасининг имкониятларидан унумли фойдаланиш учун илмий-тадқиқот ишлари ҳажмини ошириш;

– интернет-банкнинг тизимида ҳам миллий валютамызда, ҳам хориж валютасида муддатли омонотлар очиш ва уларни самарали юритишни жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь, 236-сон

2. Ахадов С. ”Ахборот жамиятининг ўлчамлари - 2013” тўплами тақдим этилди. – <http://www.xabar.uz>. (11.10.2013)

3. Куцев А.Г., Тарханова Е.А. Новые банковские продукты: Учебное пособие.-Тюмень: ТюмГУ, 2007 г. 44 с.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг расмий сайти маълумотлари. – <http://www.cbu.uz>

5. Абатуров В. Похоже, что банки включаются в кампанию против наличных. Что же случилось? //Журнал “Экономическое обозрение”, № 5 за 2015 г.

6. Показатели развития отрасли. – <http://www.ccitt.uz>

7. Показатели развития отрасли. – <http://www.ccitt.uz>
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкинг расмий сайти маълумотлари. – <http://www.cbu.uz>
9. Жаббаров К. Масофавий банк хизматлари: электрон тижорат. // “Оммавий-ахборот воситаларида тил, услуб ва таҳрир масалалари мавзуидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ЎзМУ, 2013. 97-99 б.
10. Фозилжонов Х. Электрон тижорат – иқтисодиётнинг замонавий тармоғи. //Ма’рифат, 2013 йил 15 май, № 39 (8584)
11. <http://www.onlinebankingreport.com> сайти маълумотлари.
12. Qudratxojayev Sh.T. Internet: tarixi, tuzulishi, texnik xavfsizlik. O‘quv-uslubiy qo‘llanma. – Т.:О‘zbekiston, 2011 у. 71 б.
13. Электронная коммерция Великобритании демонстрирует стремительный рост. – <http://www.nobat.ru> (22.04.2014)
14. Фозилжонов Х. Электрон тижорат – иқтисодиётнинг замонавий тармоғи. //Ма’рифат, 2013 йил 15 май, № 39 (8584)
15. Сафрошкина В. Нужно знать о рынке электронной коммерции в Китае. – <http://www.sinospaces.ru> (08.12.2013)
16. Россия Федерацияси “J’son Partners Consulting” компаниясининг таҳлил натижалари
17. Электронная коммерция в Узбекистане: инфографика и факты. . – <http://www.12news.uz> (10.11.2014)